A nighttime photograph of a city skyline, likely New York City, featuring several illuminated skyscrapers. The lights are primarily blue and white, with some red accents. The buildings are out of focus, creating a bokeh effect. The image is used as a background for the text on the page.

Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

Б.И.Саидмуродов – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедраси мудири, т.ф.н, доцент.


С.М.Алимова - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази бош мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ туҳфаси ҳисобланади.

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан гулқоғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб гулқоғоз ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё турлари, мавжуд

заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Гулқоғоз ҳақида қисқача маълумот	12
1.1 Республикада гулқоғоз ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Гулқоғозининг турлари ва физик-механик кўрсаткичлари	20
1.3 Гулқоғозларнинг афзалликлари	28
1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	32

II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	34	5.1 Иқтисодий самарадорлик	62
2.1. Хом ашё турлари	36	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	68
2.2. Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари	40	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	70
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	42	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	76
3.1. Классик винил гулқоғозларни ишлаб чиқариш технологияси	44	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	78
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	50	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	80
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	52	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	86
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	56	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	88
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	58	Фойдаланилган адабиётлар	90
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	60		

КИРИШ







Республикамызда саноат ва уй-жой қурилишининг кун сайин ўсиб бориши қурилиш хом-ашёларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Бугунги кунда жаҳон цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишни истовчи ҳар бир мамла-

кат ривожда техника ва технологиянинг ўрни нақадар юксак эканини теран ангалмоқдалар. Жумладан бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатига кенг эътибор қаратилмоқда. Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

саноатининг энг мухим вазифалари бу — республикада мавжуд маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифатини орттириш ва қурилиш материалларининг таннархини камайтириш, шунингдек эскириб қолган машина-ускуналарни замонавий технологияларга алмаштиришдир.

Бу ишларда техниканинг келажакдаги тараққиёти, қурилиш усуллари тобора саноатлаштиришни ва олдиндан ишлатилиб келинаётган айрим қурилиш ашёлари ўрнига янгиларини ишлатиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги 136-сонли Қарорига асосан маҳаллий саноатни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат занжирини яратиш, ички тармоқ

ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турларини кўпайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда харидоргир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мақсадида саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича тасдиқланган 13 та дастурда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро кооперацияни, шу жумладан тадбиркорлик субъектларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш, шу асосда маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилиш; маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширадиган ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари билан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги механизмларини:

- маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни ички бозорда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг электрон кооперация портали орқали таклиф этиш учун қўшимча шароитлар яратилганлиги, шунингдек, барча истеъмолчилар учун тендер тартиботларини ўтказмасдан, портал орқали харидларни тўғридан-тўғри амалга ошириш имкониятлари жорий қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитнинг 50 фоизи миқдорига кафиллик бериш ва тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг 5 фоиз миқдоргача ўрнатилган тартибда қоплаш;

- уч ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган

тақдирда, давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга ошириш;

- буюртмачиларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириш учун тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларининг рўйхатга киритилган маҳсулот турларини харид қилишда инвесторга маҳсулотларни сифат бўйича талабларга, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шarti билан, етказиб бериш бошланган вақтдан икки йил давомида давлат харидлари тизими орқали харид қилиш кафолатини берадиган махсус контрактларни танлов тартиб-таомиллари йўли билан тузиш ҳуқуқи бериш;

- айрим тармоқларнинг маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нисбатан 20 фоизгача нарх преференцияси қўллаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлар турларини ўзлаштираётган ташкилотларга ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бутлов-


чи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилишда божхона тўловларини божхона декларацияси расмийлаштирилган кундан бошлаб (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги айрим турдаги маҳсулотларни экспорт қилувчиларга тижорат банкларининг экспортдан олдинги кредитлари бўйича

фоизли харажатларни қоплашга компенсациялар, тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиллик, темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиши, халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш, хорижий мамлакатларда миллий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш бўйича масалаларга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда экспортни суғурталаш шароитлари яхшлаш белгилаб берилди.



I. ГУЛҚОҒОЗ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ





1.1 Республикада гулқоғоз ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4302-сонли қарорига асосан импорти юқори бўлган, ўзлаштиришга тавсия қилинган 99 та маҳсулот рўйхати шакллантирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу рўйхатга 5 та қурилиш материаллари ҳам киритилган. Булар гулқоғозлар ва шунга ўхшаш девор қопламалари, қурилиш аралашмалари ёки бетонлар учун тайёр қўшимчалар, керамогранит, сантехника маҳсулотлари учун сместителлар, ёғоч-толали плиталар (ДСП, МДФ).

Хусусан, 2020-2021 йилларда гулқоғозлар бўйича умумий қиймати 16 млн. 300 минг доллар бўлган 3 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, гулқоғозларига бўлган талаб тўла қондирилиши, яъни ишлаб чиқариш қуввати 6

млн. 600 минг рулонга етказилиши лозим (бугунги кунда талаб 30 фоизга таъминланган).

Йилдан-йилга гулқоғоз (обой) га бўлган талаб нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорида ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда гулқоғоз (обой) маҳсулоти Тошкент шаҳридаги «PERGAMENT QUALITY EXCLUSIVE» МЧЖ ва Хоразм вилоятида жойлашган «NEW BEST STYLE» МЧЖлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда Республикаимизда маҳаллий корхоналар томонидан жами 733 минг 575 ўрам гулқоғоз тайёрланган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 2 млн 123 минг 490 ўрамга етказилди. 2020 йилда жами 149 млрд 942 млн сўмлик гулқоғоз ишлаб чиқарилган. Эътиборлиси, корхоналар томонидан маҳаллийлаштирилган 3,8 млн

долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Гулқоғоз (обой)лар асосан қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатларига етказиб берилган. Келгусида Афғонистон ва Россия бозорларига ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

2020 йил декабридан эса Ўзбекистонда гулқоғозлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. «SUZANE» бренди остида гулқоғозлар ишлаб чиқариш корхонасида иккинчи линияси монтажи бошланиб, 2021 йил феврал ойида ишга туширилди.

Барча турдаги гулқоғозларнинг янги дизайнлари тақдим этилди. Шунга асосан «бўяш» ва «кўпикланган винил» гулқоғозларини ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ошмоқда. Асосийси - «иссиқ босма» услубда энг янги ва замонавий дизайнлардаги турли-туман гулқоғозларни катта миқдорда ишлаб чиқариш

кўзда тутилмоқда. Ва, албатта, бу ўзгаришларнинг асосий натижаси маҳсулот таннархининг пасайиши ҳамда сотув қийматининг арзонлашувидир. Буларнинг барчаси жаҳон меъёрлари даражасидаги олий сифат билан бирга таъминланади.

Бундан ташқари, қўшимча ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилади, бу ҳам мамлакатимизга гулқоғозлар импортини сезиларли камайтиради ҳамда уларнинг ўрнини маҳаллий ишлаб чиқарувчининг юқори сифатли маҳсулотига алмаштиради.

Сўнги 3 йиллик таҳлилларига асосан, республикамызда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ошган, бироқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифати ҳозирча ички эҳтиёжни тўлиқ қондирмаяпти, жумладан гулқоғоз (обой)ларга бўлган эҳтиёж фақатгина 30 фоизга таъминланган.

Гулқоғоз ишлаб чиқаришда жаҳон тажрибаси

АҚШ, Англия, Италия, Франция, Германия, Швеция ва Россияда кенг қўламли гулқоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Англияда, девор гулқоғозининг арзон ва ўрта навлари катта миқдорда тайёрланади;

Францияда фақат ҳашаматли девор гулқоғозлари ишлаб чиқариш бўйича бир нечта катта корхоналар мавжуд.

Россияда асосан гулқоғознинг арзон, ҳамёнбоп турлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу талаб аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқади.



Жадвалларда йиллар кесимида Россия бозорида гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари таъминоти ҳажми кўрсатилган

Гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари таъминоти РФ (2015-2019йй.)

Параметрлар	2015	2016	2017	2018	2019
Таклиф (млн.анъанавий дона),	384.9	370.6	378.9	367.5	342.0
Ўсиш (ўтган йилга нисбатан,%)	-	-3,7	-2,3	-3,0	-6,9

Изоҳ: анъанавий дона – узунлиги 10,05 м, эни 0,53 ёки 0,58 м дан иборат гулқоғоз рулони.

Гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари нархи РФ (2020-2024йй.)

Параметрлар	2020	2021	2022	2023	2024
Таклиф (млн.анъанавий дона),	1,42	1,31	1,61	1,54	1,54
Ўсиш (ўтган йилга нисбатан,%)	-	-7.6	23.2	-4,7	-0,1

Гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари таъминоти РФ (2020-2024йй.)

Параметрлар	2020	2021	2022	2023	2024
Таклиф (млн.анъанавий дона),	292,7	303,7	320,9	335,7	342,8
Ўсиш (ўтган йилга нисбатан,%)	-14,4	3,7	5,7	4,6	2,1

Гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари нархи (2020-2024йй.)

Параметрлар	2020	2021	2022	2023	2024
Таклиф (млн.анъанавий дона),	1,40	1,43	1,46	1,50	1,57
Ўсиш (ўтган йилга нисбатан,%)	-9,2	2,7	1,8	3,0	4,4



2015-2019 йилларда Россияда гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари таъминоти 42,8 млн. анъанавий донага ёки 11,1% камайган бўлиб, бу импортнинг салбий динамикаси билан боғлиқ бўлган ҳолатдир.

2020 йил охирига келиб, мамлакатда гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари таъми-

ноти 14,4% га камаган, бу ички ишлаб чиқариш ва импорт таъминотининг пасайиши билан боғлиқ.

2021-2024 йилларда гулқоғоз ва гулқоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш тикланиши ва 2024 йил охирига келиб 342,8 млн. анъанавий дона кўпайиши кўтиломқда.

1.2 Гулқоғозининг турлари ва физик-механик кўрсаткичлари



Гулқоғоз - бино ичида девор ва шифтлар учун ишлатиладиган қурилиш безаш материалларининг бир тури бўлиб, кўриниши - рулонга ўралган матодан иборат бўлади, унинг асосий ўлчамлари: кенлиги-0,53; 0,70; 1,06 м; узунлиги -10 ва 25 метрли рулонларда ишлаб чиқарилади.

Гулқоғоз пардозлаш материалининг оммалашиш тарихи бизнинг эрамыздан 200 йил аввал Хитойда деворларни гуручдан ясалган қоғоз билан ёпиштиришдан бошланган. Ўша пайтдан бошлаб қурилиш моллари бозорида нархи, сифати, материали ва бўялиши бўйича фарқланувчи кўпгина гулқоғозлар пайдо бўлди. Ҳозирда гулқоғозларнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, улардан кўпроқ ишлатиладиган турларининг таркиби, афзалликлари ва камчиликлари бўйича маълумот берамиз.

Девор қопламаларининг эстетик томони гулқоғоз тан-

лашда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Бироқ, гулқоғознинг кўринишидан бошқа муҳим эътибор унинг амалий хусусиятларига қаратилади.

Гулқоғозлар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- * сувга чидамлилиқ;
- * пишиқлик (мустаҳкамлик);
- * ёруғликка чидамлилиқ;
- * товуш ютиш қобилияти;
- * ҳаво ўтказувчанлик;
- * нуқсонларни яшириш хусусиятлари.

Сувга чидамлилиқ - гулқоғоз маълум вақт давомида сувга дуч келганда асл кўринишини сақлаб қолиш қобилиятидир. Бу хусусиятга деярли барча замонавий гулқоғозлар турли даражада эга. Ўртача намликка эга хоналар (меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, йўлак) учун қоғозли гулоғозлар, намлиги юқори бўлган хоналар (ошхона, ваннахоналар)га сувга чидамли хусусиятлари

юқори гулқоғозлар (ювилувчи ва суперювилувчи) гулқоғозлар ишлатилади.

Пишиқлик (мустаҳкамлик)

- белгиланган хизмат муддати давомида йиртилишга ва ейи-лишга қарши туриш қобилиятидир. Энг пишиқ ва чидамли винил ва шиша гулқоғозлари ҳисобланади. Улар коридор, йўлак, ошхоналарда кўпроқ ишлатилади.

Ёруғликка чидамлик – бу ультрабинафша нурлари таъсирида ўз рангини ўзгартириш қобилиятидир. Бу хусусиятнинг даражаси ишлатилган бўёқ материалларининг сифатига боғлиқ. Одатда қоғозли гулқоғозларда нурга қаршилик чекланган бўлиб, йиллар давомида улар ўз сифатини йўқотадди, винил гулқоғозларда эса бу хусусият аксинча юқори бўлади.

Товуш ютиш қобилияти - бу хонада товуш кучини камайтириш ёки ютиш қобилиятидир. Бу хусусият бўртма нақшли ва қалин гулқоғозларда мавжуд.

Ҳаво ўтказувчанлик - бу

хусусият деворлар «нафас олиши» ва замбуруғ ва моғор пайдо бўлмаслиги учун зарурдир. Бундан ташқари, улар бир текисда ва тез қурийдди. Қоғоз гулқоғозлар максимал ҳаво ўтказувчанликка эга.

Нуқсонларни яшириш - деворлардаги кичик нуқсонларни яшириш қобилияти бўлиб, гулқоғоз қанчалик бўртма нақшли ва қалин бўлса, у нуқсонларни шунчалик яширади. Бу хусусиятларга кўпроқ шишали гулқоғозлар ва бўртма нақшли (кўпикли, структурали ва босма нақшли) гулқоғозлар эга.





1. Қоғоз гулқоғозлар – энг қадимий ва ҳаммага одатий гулқоғоз тури, ҳозирги кунгача паст нархи ва кўпгина рангбаранглиги ҳисобига бозорда талабгордир. Қоғоз гулқоғозлари бир қатламли (симплекс), икки қаватли (дуплекс), структуравий ва фотогулқоғозлар бўлади. Кўрсаткичларда унчалик фарқланишига қарамай

намликка ва ёруғликка турғун қоғоз гулқоғозлар турлари бир хил афзаллик ва камчиликларга эга.

2. Флизелин гулқоғозлар – флизелиндан (целлюлоза тўқималари) бир қаватли гулқоғозлар. Флизелинни юқори мустаҳкамлиги ва ёнғинга турғунлиги учун "яхшиланган қоғоз" деб номланади. Бу

тўқилмаган ва рангсиз материалдан қоматни ушлаб туриш учун костюм ва юқори кийим деталларини ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади. Флизелинли гулқоғозлар икки турда бўлади: флизелин гулқоғозлар ва винил қоплама асосли флизелин гулқоғозлар. Рангсиз флизелин гулқоғозлар одатда қайта бўяш учун танланади. Улар фактурали, орнаментли; уларни бошқа рангда бўяш ва янги гулқоғоз ёпиштиришда олиб ташламаса бўлади. Винил қоплама асосли флизелин гулқоғозларни қайта бўяш мумкин эмас, улар сўнги вариантда сотилади. Аммо, агар дизайнни ўзгартириш иштиёқи бўлса, у ҳолда винил флизелиндан осон олинади.

3. Винил гулқоғозлар – икки қаватли гулқоғозлар, асоси қилиб одатда қоғоз ёки флизелин олинади, ташқи қатлами эса – поливинилхлорид (пластмасс, винил, ПВХ). Винил гулқоғозлар кўпиртирилган (қавариқ, деворларнинг нотекис жойларини яширади), ювиладиган ва ипакли бўлади. Винил гулқоғозлар

замбуруғларга қарши махсус суюқлик билан ишлов берилади ва шунинг учун ошхона ва санбоғламлар учун яхши мос келади. Эгилувчан винил ҳисобига гулқоғозлар велюр, тери ёки ҳар қандай бошқа матога, тош, ғишт, бамбук ва шунга кабиларга ўхшайди. Винил гулқоғозларнинг ҳар хил шаклдорлиги ва нақшдорлиги эса бошқа гулқоғозларни ортда қолдиради.

4. Акрил гулқоғозлар – Акрил гулқоғозлар, винил каби, одатда икки қатламдан иборат бўлади. Флизелин ёки қоғоз асосида, декоратив қатлам кўпикли акрилдан тайёрланади.

5. Текстил гулқоғозлар – бу матодан ишлаб чиқарилган гулқоғозлар, уларнинг асосий қатлами сифатида флизелин, қоғоз ёки синтетика бўлиши мумкин. Текстил гулқоғозлар лёнли, ипакли, джутли, фетрли, велюрли, жаккардли, "япон майсали" ва бошқа синтетик асосдаги гулқоғозлар бўлади.

Ҳашаматли матоли гулқоғозлар қиммат туради ва клас-

сицизм, барокко ва ампира стилларидаги интерерларда қўлланилади. Ҳар бир матонинг ўзининг хусусиятлари мавжуд, аммо барча текстил гулқоғозлар одатда ўхшаш афзалликлари ва камчиликларига эгадирлар.

6. Шиша матоли гулқоғозлар – шиша ипларнинг ўрашиши ва структураси бўйича матони эслатувчи янги ўйлаб

топилган ва қимматбаҳо пардозлаш материалидир. Шиша матонинг қаттиқлиги модификацияланган крахмалнинг шимилиши ёрдамида юзага келтирилади. Шиша гулқоғозлар материалининг қаттиқлиги учун мустаҳкамлик ва узоқ муддатлиликда барча бошқа гулқоғозлардан устун туради. Шиша гулқоғозларни ёпиштиргандан кейин улар деворга до-



мий маҳкамланади ва ўзининг мустаҳкамлилиги ҳисобига деворларни турғунсизликдан асрайди. "Ўргимчак тўри" ёки маляр шиша холост мавжуд, улар юзаларни текислаш ва рангсизланиши ва бурдаланишидан ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Бу тур шифт учун ҳам тўғри келади. Шиша матоли гулқоғозлар бўялиш учун мўлжалланган. Шиша гулқоғозларни қўлқопларда, ниқобда ва узун энгли кўйлақда ёпиштириш керак.

7. Металл гулқоғозлар – бу алюмин фольгасидан қиммат ва оригинал гулқоғозлардир. Металл гулқоғозларнинг асоси қоғоз, флизелин ёки мато бўлиши мумкин. Биринчи металл гулқоғозлар инсонларни электромагнит нурланишдан сақлаш учун яратилган.

8. Суюқ гулқоғозлар – деворларни гулқоғозлар билан пардозлашнинг замонавий ёндашуви. Суюқ гулқоғозлар целлюлоза/ипак/ипак-целлюлоза тўқималари ва поливинилацетат (ПВА) елимидан тайёрланган суюқ аралашмани

ташқил этади. Суюқ гулқоғозларни танлаётганда деворлардаги дарзлар ёки нотекисликлар мавжудлиги нокритик – суюқ гулқоғозларни монтаж қилаётганда барчасини тўғриласа бўлади. Суюқ гулқоғозлар таркибига чангни итариб юборувчи манфий электр зарядланган элементлар кирази.

9. Фото гулқоғозлар – юқори сифатли чизма, бир неча қисмдан иборат бўлиб, стикерлар ёрдамида битта расм олинади. Улар флизелин, винил ёки акрил асосли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ялтироқ ва жилосиз ишланган вариантлари бор.

10. Пўкакли гулқоғозлар – табиий материал бўлган дарахт терисидан тайёрланган гулқоғоз. Пўкаклардан бутунлай ташқил топган гулқоғозлар қоғоз асосидаги пўкак қатламга эга бўлган гулқоғозлардан қимматроқ туради. Авваламбор барча пўкакли гулқоғозлар бир-бирига нисбатан бир хил бўлиб кўринади, аммо яхшилаб қаралса дарахт териси ҳар хил фактура ва рангларга эгаллигини кўрса бўлади.



1.3 Гулқоғозларнинг афзалликлари



Барча қурилиш материаллари каби, гулқоғозлар ҳам бир қанча афзалликларга эга:

1. Экологик тоза материал.
2. Осон ёпиштирилади.
3. Нархи арзон.














4. Ранг ва расмлар хилма-хиллиги.

5. Узоқ муддатли.
6. Ювишга чидамли.
7. Буёқлашга имконли.
8. Ташқи кўриниши яхши.

Ишлатиш даври учун гулқоғозлар хусусиятларини (хоссаларини) кўрсатувчи график белгилар (ГОСТ 30834-2002)

Гулқоғозларнинг хусусиятлари (хоссалари)	Гулқоғозлар хусусиятлари (хоссалари) ни кўрсатувчи график белгилар	Гулқоғозлар хусусиятларни (хоссаларни) кўрсатувчи қисқа белгилар
1. Сувга чидамлилик		
1.1 Елим қўллаш давомида сувга чидамли		В-0
1.2 Фойдаланилганда сувга чидамли		В-1
2. Ювишга чидамлилик		
2.1 Ювишга чидамли (ювиладиган гулқоғозлар)		М-1
2.2 Юқори даражада ювишга чидамли		М-2
2.3 Ишқаланишга чидамли		М-3
3. Қуруқ ейилишга чидамли		
3.1 Қуруқ ейилишга чидамли		С
4. Рангнинг ёруғликка чидамлилиги		
4.1 Қониқарли		4
4.2 Яхши		5
4.3 Жуда яхши		6
4.4 Аъло		7

Ишлатиш даври учун гулқоғозлар хусусиятларини (хоссаларини) кўрсатувчи график белгилар (ГОСТ 30834-2002)

Гулқоғозларнинг хусусиятлари (хоссалари)	Гулқоғозлар хусусиятлари (хоссалари) ни кўрсатувчи график белгилар	Гулқоғозлар хусусиятларни (хоссаларни) кўрсатувчи қисқа белгилар
5. Елимлаш*		
5.1 Елим гулқозга суртилади		-
5.2 Елим ёпиштирувчи асосга суртилади		-
5.3 Резина ёрдамида сирти ҳимояланган гулқоғозлар		-
6. Расмга қараб улаш		
6.1 Ихтиёрий улаш		-
6.2 Тўғридан-тўғри улаш (рапорт кўрсатилади, масалан - 50 см)		-
6.3 Силжиган улаш (рапорт ва силжиш кўрсатилади, масалан - 50/25 см)		-
6.4 Қарама-қарши улаш		-
6.5 Горизонтал ёпиштириш		-
7. Асосдан олиб ташлаш		
7.1 Қолдиқсиз олиб ташлаш		1
7.2 Қаватларга ажралувчи		2
7.3 Олиб ташлаш учун намланадиган		3
8. Турли хил		
8.1 Кўш кесим билан устма-уст тушириш		-
8.2 Бўрттирма дуплекс гулқоғоз		-



1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда гулқоғоз (обой) га бўлган талаб 3 485 минг.ўрамни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 19,7 минг.ўрамни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 0,6 фоиз).

2020 йилга келиб юқоридаги барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда гулқоғоз (обой) га бўлган талаб 6 700 минг.ўрамни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 2 000 минг.ўрамни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 30 фоиз).

Амалда 2016 йилда умумий қиймати 1,6 млрд.сўмлик 19,7 минг.ўрам гулқоғоз (обой) ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 262,0 млрд.сўмлик 2 600 минг.ўрамни, 2026 йилда 745,2 млрд. сўмлик 6 900 минг.ўрамни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2026 йилга келиб гулқоғоз (обой) билан таъминланганлик 77 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда (2020 йилга нисбатан 2,6 баробар).

2020 йилда 5,3 млн.ўрам гулқоғоз (обой) импорт қилин-

ган бўлса, 2026 йилга келиб ички талаб қопланиши натижасида 3,5 млн.ўрам маҳсулот экспорт қилинади.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулоти бўлган гулқоғоз (обой) экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 4,5 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 20 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



2.1. Хом ашё турлари



Гулқоғоз ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё 1 м² 110-200 грамм оралиғидаги масса-ли қоғоздир. Қоғознинг сифати унинг зичлиги билан белгиланади. Қоғоз зичлиги ошган сари гулқоғози сифати ҳам ошиб боради. Қоғоз юқори гигроскопикликка эга ва унинг сувга чидамлилигини ошириш учун ташқи қатлам махсус плёнка ёки синтетик смолалар билан қопланади. Нақшлар гулқоғоз олд қатлами ёки олд томонига, махсус таркиб, жумладан **каолин, бўр** ва бошқалар (гулқоғоз таркибига қараб) ёрдамида қопланади.

Гулқоғоз ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлиб **гулқоғоз қоғози** ҳисобланади.

У қуйидаги

синфларга бўлинади:

Бир қаватли

(А1, А2, Б1, Б2, Н1, Н2):

А1 – кўпиртирилган, мовут, металл, чуқур босма билан

пардоз бериладиган бўртма ва силлиқ девор гулқоғозларини ишлаб чиқаришда қўлланилади;

А2 – офсет босма ёки флексография йўли билан пардоз бериладиган бўртма ва силлиқ девор гулқоғозларини ишлаб чиқаришда қўлланилади;

Б1 – тасмали, профилли кўпиртирилган ва безатилган девор гулқоғозларини ишлаб чиқаришда қўлланилади;

Б2 - флексография ёки офсет босма ёрдамида профилли кўпиртирилган, тасмали ва безатилган девор гулқоғозларини ишлаб чиқаришда қўлланилади;

Н1, Н2 – ишлов берилмаган қоғоз мато бўлиб, тасмали ва бўртма гулқоғозлар учун остки қатлам сифатида қўлланилади.

Икки қаватли (Д1, Д2):

Д1 – раппорт ва металл эффектли бўртма гулқоғозлар ишлаб чиқаришда қўлланилади;

Д2 – полиграфия йўли билан

босма (чуқур бундан мустасно) силлиқ ва тасмали гулқоғозларини ишлаб чиқаришда қўлланади.

Гулқоғоз ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган қоғоз куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- нам ва қуруқ шароитда юқори мустаҳкамликка эга;
- юқори ейилишга чидамли;
- кам деформацияланади-

ган, барқарор ҳолатини сақлаб қоладиган;

- қуёш нури ва эскиришга чидамли;

- экологик хавфсиз бўлиши лозим.

Бундан ташқари, гулқоғоз ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида таркибида: бўр, пигментлар, бўёқлар ва полимер қўшимчалар бўлган махсус **суспензиялар, кремний-орга-**



ник, поливинилхлоридли қопламалар, пластификаторлар, стабилизаторлар ишлатилади. Гулқоғознинг намликка чидамлилиги ва эластиклигини ошириш учун суспензияга **латекс** қўшилади.

Флизелин – бу қоғозсимон нотўқима мато бўлиб, полиэстер қўшилган целлюлоза толаларидан тайёрланади Уни ишлаб чиқариш учун

елимланган ва елимланмаган модификацияланган ва модификацияланмаган целлюлоза толаларидан фойдаланилади. Бу уни кимёвий модификацияланмаган целлюлозани қайта ишлаш йўли билан ишлаб чиқариладиган қоғоздан ажратиб туради. Флизелин мустақамлаш астари сифатида ишлатилиб, матонинг деформацияланишига тўсқинлик қилади.



2.2. Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё захиралари



Каолин - каолинит (гил)нинг гидратланган алюминий силикати бўлиб, пластинкалар шаклидаги зарралар билан оқ кукун кўринишига эга. Каолиннинг хоссалари: ўтга чидамлик (1750-1800 °C ва ундан юқори ҳароратда эрийди), пластик, сув шимувчан, осон ивийдиган, кимёвий инерт, механик мустаҳкам (кўритилган ва куйдирилган ҳолатда), кам электр ўтказади, буёвчи мод-


далар таркиби кам, қаттиқлиги паст, дисперс. Каолин қоғоз саноатида қоғозни тўлдириш ва қоплашда ишлатилади.

Бўр - оқ рангли юмшоқ жинс. 98-99% CaCO₃ дан иборат. Бўр чиғаноқнинг кальций тузлари туйинган эритмалари билан биргаликда чўкишидан ҳосил бўлган. Бўр, оҳак, цемент, шиша, ёпишқоқ қоришмалар тайёрлашда хом ашё сифатида ишлатилади.

Каолин

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.тонна
Навоий	2	16 386
Самарқанд	1	1 245,2
Тошкент	2	1 291 927,4
Жами:	5	1 309 558,6

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





3.1. Классик винил гулқоғозларни ишлаб чиқариш технологияси



Винил ва қоғоз (флезилин) асосида гулқоғозлар ишлаб чиқариш технологияси куйидагилардан иборат:

Дизайн. Бир ёки бир неча рассом-дизайнерлар эскизларни шакллантириш устида иш олиб борадилар. Чизманинг рақамли моделини тузадилар, электрон маълумотларни ташувчига ўтказадилар. Кейинчалик чизмани қисмларга бўлиб, рангларни танлаб олиш бўлими - «репростудия» га ўтказилади. Дизайнерлар ишининг натижаси – бу тайёр тасдиқланган ишлаб чиқариш лойиҳасидир.

Хом ашёни тайёрлаш. Муайян турдаги чизмаларга мос материалларни ўз ичига олган хамирсимон аралашма тайёрланади. Винилдан уч ўлчамли хосса яратиш учун пластификаторлар, стабилизаторлар ва поливинилхлорид аралаштирилади.

Бўёқ қўшиш. Бўёқларни қўллаш жараёни колорист томонидан кузатилади.

Декоратив қўшимчалар тайёрлаш (ялтироқ тангачалар, глиттер ва бошқалар.).

Машинага матони юклаш. Қоғоз ёки флизелин манба материалининг бобинаси (ғалтаги) 700 кг га тенг бўлади, шунинг учун ушбу жараён автоматлаштирилади. Ишчи бобиннинг учини қуритгичга олиб боради, у орқали материал чўзилиб, ундаги намлик буғланиб кетиши кўзатилади.

Хом ашёни биринчи босмага чиқариш бўлимига ўзатиш. Айланадиган трафарет вали матони айлантиради ва унга паста суртилади. Валнинг кичик тешиклари орқали винил юборилади, сўнг босилиб асос юзи винил билан қопланади.

Қуритиш. Мато печга кўчирилади ва 200 °С ҳароратда қуритилади.

Матони чуқур босма валга ўтказиш – вал лазер билан нақш ўйиб ёзилган металл цилиндрдан иборат бўлиб, вал айланади ва қисман бўёқ ичига

ботади. Бу билан маълум бир рангнинг чизмасы чизилади. Валнинг четида қолган бўёқни олиб ташлайдиган ўткир пичоқ ўрнатилган бўлиб, ортиқча бўёқ кўчирилган чуқурчада қолади.

Валлар сони матодаги ранглар сонига тенг бўлади. Ранг бериладиган валлар сони асосан 3 тадан 7 тагача бўлиб, уларнинг ҳар бирида турли хил ранг бўлади. Гулқоғоз нархи рангларнинг хилма-хиллигига бевосита боғлиқ. Ранглар қанча кўп бўлса, гулқоғознинг нархи шунча қиммат бўлади.

Қуриштиш. Мато бўялгандан кейин яна қуриртилади.

Матони босиш. Мато рулони рельеф ҳосил қилувчи махсус вал остига туширилади. Вал чуқурчага эга бўлиб, мато илитилган винил билан юмшоқ резинали вал ёрдамида унга босилади. Гулқоғозга таъсир этувчи босими массаси 4 тоннага яқин бўлади. Валга ўйма нақш чизиш қўлда (мураккаб чизма) ёки лазер ёрдамида амалга оширилади.

Четларни кесиш. Рулон-

нинг охири рулоннинг керакли кенлиги ўрнатилган асбобга туширилади. Кесиш дисклар шаклидаги ўткир пичоқлар билан амалга оширилади.

Тўплаш. Кесилгандан кейин мато сақлаш қурилмасига киради ва узунлиги 10 м бўлган найчаларга ўралади.

Сифат назорати. Лаборатория мутахассислари гулқоғоз сифатини ГОСТ бўйича текшириб, сифат параметрларни назорат қилади: нақшларнинг жойлашиши, йиртилишга қаршилиқ, ейилишга қаршилиқ, қуёш нурига ва намликка чидамлилиқ ва ҳ.к.лар. Агар маҳсулот партиясида нуқсон аниқланса, у бутунлигича утилизацияга юборилади.

Маҳсулотни қадоқлаш. Рулонга ишлаб чиқарувчи номи, партия рақами ва маҳсулотнинг асосий параметрларини кўрсатувчи ёрлиқ қўйилади. Маҳсулотнинг ҳар бир рулони ҳимоя плёнкаси (полиэтилен) билан герметик қопланади. Заводда қадоқланган гулқоғозлар анча узоқ сақланади.



Маҳсулотни сақлаш. Гулқоғозларни сақлашда, маълум қоидаларга риоя қилиш керак: Гулқоғозлар паст ва манфий (минус) ҳароратларда сақланиши мумкин эмас. +5 дан +20 даражагача сақлаш ҳарорати энг мақбулдир. Гулқоғозларнинг баъзи турлари, қуёш нурларига чидамсиз, бунинг олдини олиш учун, уларни қоронғи жойларда сақлаш ва тўғридан-тўғри қуёш нуридан

асраш лозим. Намлик 60% дан ошмаслиги ёки камроқ бўлиши керак. Гулқоғозлар горизонтал ҳолатда сақланганда вақт ўтиши билан рулонлар деформацияланиши мумкин. Шунинг учун уларни вертикал ҳолатда сақлаш лозим. Гулқоғозлар хилма-хил бўлганлиги учун уларнинг умумий яроқлилик муддати мавжуд эмас, лекин одатда, уларнинг кўпчили 10 йилдан кўп сақланмайди.

Гулқоғоз ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар

Қоғоз (флизелин) асосидаги винил гулқоғозларни ишлаб чиқариш учун қуйидаги жиҳозларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуасини сотиб олиш керак бўлади:

- хом ашёни қуритиш камераси;

- кондиционер тизими;

- қуритиш асбоблари бирга қурилган чизиш бўлимлари;

- хом ашё аралаштиргичи;

- хом ашё қайтарувчи;

- қуритиш пайтида листларни айлантириш учун зарур бўлган айланма қурилма;

- нақшларни силлиқлашга мўлжалланган каландр;

- кесишдан олдин тайёр маҳсулотларни сақлаш учун зарур бўлган тўплаш ускунаси;

- четларни кесиш машинаси;

- рулонларни кесиш ва қадоқлаш машинаси.

Жиҳозларнинг умумий оғирлиги 100-110 тоннани ташкил этади.

Энг катта габаритли агрегат-

нинг ўлчамлари қуйидагича:

- Винилни ёйувчи машина – 36м х 3,6 м.

- Босиб чиқариш ва кесиш линияси - 385м х 6 м;

- Қуритиш шкафи – 26 м.

Жиҳозларнинг ўлчамларига қараб, ишлаб чиқариш майдони камида 2 минг м² бўлиши керак. Корхонани ташкил этишда вентиляция тизими, иситиш ва сув таъминоти тизимларини ҳисобга олиш лозим. Корхона атрофида 50 м санитария зонаси бўлиши керак. Бундан ташқари маъмурий ходимлар ишлаш бўлимлари, ходимлар учун дам олиш хонаси бўлиши керак.



Гулқоғоз ишлаб чиқариш технологик линияларининг дастлабки нархлари

1. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган **“Xinle Huabao Plastic Machinery Co., Ltd.”** корхонасига тегишли гулқоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик линияси. Дастлабки нархи – 2 193 917 933 сўм.

2. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, **“Mach Extrusion Equipment Co., Ltd”** корхонасига тегишли гулқоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик линияси. Дастлабки нархи – 3 565 116 642 сўм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида **17-26 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.



IV. СИФАТ, МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча махсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун гулқоғозлар белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи сав-

до вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Мазкур норматив ҳужжатлар орқали қурилиш гулқоғозларини ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, махсулотни ташиш, сақлаш, сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Гулқоғоз ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун зарур стандартлар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 6810-2002	Гулқоғозлар
ГОСТ 334-73	Масштаб-координатали қоғоз. Техник шартлар
ГОСТ 5530-2004	Лубли толаларидан тайёрланган қадоклаш ва техник матолар. Умумий техник шартлар
ГОСТ 6749-2005	Қоғоз - гулқоғоз учун асос. Техник шартлар
ГОСТ 8047-2001 (ИСО 186-94)	Қоғоз ва картон. Қабул қилиш қоидалари. Ўртача сифатни аниқлаш учун намуна олиш
ГОСТ 8273-75	Ўрама қоғоз. Техник шартлар
ГОСТ 8702-2005	Гулқоғозлар, рангли қоғоз, картон ва улардан тайёрланган буюмлар. Сунъий ёритиш шароитида ёруғликка ранг турғунлигини аниқлаш усуллари (ксенон лампа)
ГОСТ 13525.7-68	Қоғоз ва картон. Намликка чидамлилиқни аниқлаш усули
ГОСТ 30113-94 (ИСО 2470-77)	Қоғоз ва картон. Оқликни аниқлаш усули
ГОСТ 30834-2002 (ЕН 235-89)	Гулқоғозлар. Таърифлар ва график белгилар

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Қурилиш гулқоғози учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш кун** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган гулқоғоз-

лардан намуналар олади. Махсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Гулқоғозларнинг техник хара-
ктеристикаларини аниқлашда
турли хил ўлчов воситаларидан
фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари қу-
рилиш материалнинг сифати,
стандарт талабларда белги-
ланган геометрик ўлчамлардан
четга чиқмаганлиги каби муҳим
факторларни доимий назорат
қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўз-

бекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификат-
лаштириш агентлигининг 2019
йил 30 июлдаги «Метрология
текширувидан ўтказилиши ло-
зим бўлган ўлчов воситалари
туркумларининг рўйхатини тас-
диқлаш тўғрисида» ги **3174-сон-
ли буйруғи**га асосан бир йилда
бир марта **Миллий метрология
институтининг томонидан қиёслов
кўригидан ўтказилади.**

V. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ



29%



● 167 +4.19%

● 170 -7.55%

● 141 +1.2%

● 95 +3.39%

● 46 +6.56%

● 15 +1.73%

29%



5.1 Иқтисодий самарадорлик



Курилиш комплексининг ривожланиши ва турар-жой бинолари қуриш қўлами кундан-кунга кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда уй-жойларга ички пардоз бериш имконини берувчи безаш материалларига бўлган талаб сезиларли даражада кенгайди.

Жумладан, энг кенг тарқалган ва арзон материаллардан бири - девор учун ишлатиладиган гулқоғозларга аҳоли ўртасида зарурият ошганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Гулқоғозлар ранглари, нақш ва сирт тузилишини хилма-хиллиги учун кенг танлаш имконини беради. Шунга асосан, гулқоғоз ишлаб чиқаришга инвестиция қилинган молиявий имкониятларни ва қўлланиладиган технологияларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлар томонидан гулқоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда зарур хом ашё ва материаллар етказиб берувчи-

ларнинг жойлашган ўрнини ҳисобга олиш лозим. Гулқоғозларни ишлаб чиқариш линиясини ишга туширишда истеъмол талабини ўрганиш керак. Тайёр маҳсулотларни сотишда қиммат гулқоғозлар (текстиль, металл, шиша) камроқ сотилиши мумкин.

Винилга асосланган гулқоғозлар одатда осонлик билан сотилади. Бунга янги қуриладиган биноларнинг кўплиги, винил қопламали гулқоғозларнинг сифати яхшилиги ва хилма-хиллиги, нархи нисбатан арзонлиги унга доим эҳтиёж катталигининг сабабларидан биридир.

Ишлаб чиқаришни амалга оширишда энг муҳим омиллардан бири, ишлаб чиқариш объектини ижарага олиш (ёки қуриб битказиш), асбоб-ускуналар сотиб олиш, хом ашё етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш, ходимларни ишга ёллаш, линияни ишга тушириш ва маҳсулотни сотишни таъминлаш киради.

1 та рулон винилли гулқоғозга кетадиган хом ашё сарфи

Хом ашё тури	Сарфи, кг	Нархи, сум	Жами суммаси, сум
Гулқоғоз қоғози	0,63	12 000	7 560
Поливинилхлорид (ПВХ)	1,40	37 000	51 800
Пластизол бўёқ	1,75	47 700	83 475
Қадоқлаш учун термопленка	0,03	27 400	822
ЖАМИ:			143 657



Линияга жалб қилинадиган
ходимлар иш ҳақи

Касби	Сони	Ойлик иш ҳақи, сум	ЯИТ, сум	Жами, сум	Жами 1 йилга, сум
Маъмурий-бошқарув ходимлари					
Директор	1	3 080 000	420 000	3500 000	42 000 000
Ҳисобчи	1	2 640 000	360 000	3000 000	36 000 000
Дизайнер	1	2 200 000	300 000	2500 000	30 000 000
Безак устаси	1	2 112 000	288 000	2400 000	28 800 000
Сотиб олиш ва сотиш бўйича менежер	1	2 464 000	336 000	2800 000	33 600 000
ЖАМИ:	5	12 496 000	1704000	14200000	170 400 000
Ишлаб чиқариш ходимлари					
Оператор	14	2 904 000	396 000	46200000	554 400 000
Ёрдамчи ишчилар	2	1 936 000	264 000	4400 000	52 800 000
Механик	1	2 464 000	336 000	2800 000	33 600 000
ЖАМИ:	17	7 304 000	996 000	53400000	640 800 000
Ёрдамчи ходимлар					
Омбор мудир	1	2 464 000	336 000	2800 000	33 600 000
Электрик	1	2 288 000	312 000	2600 000	31 200 000
Ҳайдовчи	1	1 584 000	216 000	1800 000	21 600 000
Фаррош	1	1 232 000	168 000	1400 000	16 800 000
ЖАМИ:	4	7 568 000	1032 000	8600 000	103 200 000
Ҳаммаси:	26	27 368 000	3732000	76200 000	914 400 000

Қурилиш гулқоғози ишлаб чиқаришдаги харажатлар

Материал номи	Материал сарфи				
	Бирлиги	Йиллик (300 иш кун)	Ойлик (25 кун)	Сменали (кунига 2 смена)	Соатлик
Гулқоғоз (винилли) ишлаб чиқариш ҳажми	рулон	432 000	36 000	1 440	90
Тайёр қурилиш гулқоғози нархи (1 та рулон 195 000 сум)	минг. сўм	84240 000,0	7020 000,0	280 800,0	17 550,0
Гулқоғозга кетадиган хом ашё нархи	минг. сўм	62059 824,0	5171 652,0	206 866,1	12 929,1
Электр энергияси (1 кВт 450 сўм)	минг. сўм	972 000,0	81 000,0	3 240,0	202,5
Транспорт харажатлари (3%, гулқоғоз нархига нисбатан)	минг. сўм	2 527 200,0	210 600,0	8 424,0	526,5
Омбор харажатлари (1,0%)	минг. сўм	842 400,0	70 200,0	2 808,0	175,5
Кўзда тутилмаган харажатлар (3,5%)	минг. сўм	2 948 400,0	245 700,0	9 828,0	614,3
Ишчиларнинг хизмат ҳақи	минг. сўм	914 400,0	76 200,0	3 048,0	381,0
Умумий харажатлар	минг. сўм	70264224,0	5779 152,0	234 214,1	14 828,9
Фойда (ҚҚС сиз)	минг. сўм	13975 776,0	1240 848,0	465 585,9	2 721,1
ҚҚС (15%)	минг. сўм	12636 000,0	1053 000,0	42 120,0	2 632,5
Соф фойда	минг. сўм	1339 776,0	187 848,0	4 465,9	88,6



VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Қоғоз ишлаб чиқариш атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатади, жумладан: дарахтларни кесиш, сув ресурсларидан ортиқча фойдаланиш ва ифлосланиш, энергиядан кўп фойдаланиш муаммолари мавжуд.

Қоғоз саноатида целлюлоза-қоғоз заводлари, ёғочни қайта ишлаш марказлари томонидан оқава сувларни сув ҳавзаларига оқизиш (оқава сувлар таркибида сульфат кислота, сульфатлар борлиги сув ҳавзалари ва ерга зарар етказди) ва дарахтларни кўплаб кесиш эса экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Қоғоз саноати ҳар йили 100 миллоион гектардан ортиқ ўрмонни йўқ қилади; бу Миср майдони билан таққосланади. Айрим ҳудудларда тадбиркорлар фаолияти ўрмонларнинг йўқолиб кетишига ва шунга мос равишда атмосферадаги карбонат ангидрид миқдорининг кўпайишига ва

био хилма-хилликнинг йўқолишига олиб келади.

Ушбу қоғоз ишлаб чиқариш билан боғлиқ экологик муаммолар туфайли қоғоз саноати ўз технологияларини такомиллаштириш ва экологиялаштириш чораларини кўрмоқда. Масалан, сувни олсак: 40-50-йилларда бир тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун катта миқдорда, бир неча ўн минг галлон сув талаб қилинарди. Аммо ҳозирда экологик вазиятга бефарқ бўлмаган корхоналар ишлатилган сувни тозалаш ва қайта ишлаш технологияларидан фойдалана бошламоқда.

Ҳозирги вақтда кўпчилик қоғоз оқартирилади, лекин Европада саноат заҳарли хлор диоксиддан фойдаланишдан воз кечиб, озонга ўтган, бу эса атроф муҳитга жуда ҳам кам таъсир кўрсатади.

Қоғозни оқартириш босқичи бу жуда қиммат жараён бўлганлиги учун уни бутунлай ўтказиб

юбориш мумкин. Шунда чиқарилган қоғоз унчалик ёрқин оқ қоғоз бўлмайди.

Қоғоз саноати барқарор энергиядан фойдаланиш соҳасида ҳам ютуқларга эришмоқда. Дунё бўйича 2017 йилда 2000 йилга нисбатан 25 фоиз кўпроқ қоғоз ва картон ишлаб чиқарилган бўлса-да, ишлатилган энергия миқдори фақат 5 фоизга ошди. Бу эса янги технологиялар билан бир қаторда қайта ишлаш кўламининг ошишига ҳам боғлиқ. Европада қоғоз тегирмонлар ҳозир ўз қаттиқ чиқиндилари - целлюлоза ва лигнин қолдиқлари аралашмасини ёқиб, истеъмол қилинадиган энергиянинг деярли ярмини ишлаб чиқаради.

Қоғозни қайта ишлаш технологиялари қоғоз ишлаб чиқариш саноати экологик бўлишига анчагина ёрдам берди. Қайта ишланган қоғоз нафақат дарахтларни кесиб ташлашдан сақлайди, балки бошқа барча

ишлаб чиқариш харажатларини ҳам сезиларли даражада камайтиради. Қайта ишланган қоғознинг ҳар бир тоннаси (907 кг) 17 дарахтни тежайди, шунингдек, 380 галлон (1 727 литр) нефтни, уч куб ярд (229 куб метр) куруқлик майдони, 4 000 киловатт энергия ва 7 000 галлон (31 822 литр) сувни тежайди.

Сўнги ўн йилликларда қайта ишланган маҳсулотларга бўлган талаб анча ўсди. Дунёдаги энг юқори қайта ишлаш кўрсаткичлари Европа Иттифоқи мамлакатларига тегишли – 2017 йилда 72% қоғоз қайта ишланган бўлиб, бу Европа давлатларида секундига тахминан икки тонна қоғоз қайта ишланганлигини билдиради.

Қоғозни қайта ишлаш бўйича етакчи давлатлардан бири Италиядир. Бу мамлакат Европада ўзининг энг йирик ноқонуний чиқиндилари жойлашган Неаполдаги чиқиндилар майдонига эга бўлишига қарамай,

қоғозни қайта ишлаш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Италияда қоғоз тегирмонларда ишлатиладиган хом ашёнинг 57 фоизи ишлатилган қоғоздан иборат бўлиб, у ерда ҳар дақиқада 10 тонна хом ашё қайта ишланади, бу эса йилига 5 млн.тоннани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқаро-

ларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармонида биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экологиялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга

топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон

кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг кўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонентларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини

олдидан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33— 35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

та норматив-ҳужжат ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустақамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш усулидан

қатъий назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофа-

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат ва зифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келадиган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавfli ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш —

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилияти-ни вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилнинг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилнинг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Гулқоғоз ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.



**VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга қўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинган ёки ижарага олинган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли қарори.

2. Тўлаганов А.А., Камиллов Х.Х., Воҳидов М.М., Султонов А.А. “Замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва технологияли”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ 2014. 109-110 бет.

3. Касимов И. И. “Арзон замонавий қурилиш ашёлари”. Архитектура, қурилиш йўналишида ўқиётган магистрантлар учун дарслик ва ёки тадбиркорларга қўлланма. Тошкент-2017, 93-98 бетлар.

4. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.

5. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.

Норматив ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида. Тошкент ш. 2016-йил 22-сентябрь. ЎРҚ-410-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги “2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида” 136-сонли Қарори.

Интернет сайтлари.

8. <http://ziyonet.uz/>

9. <https://lex.uz/docs/1547380>

10. <https://aim.uz/predprinimatelstvo/biznes-plan/21718-gips-mel-ishlab-chikarish-aim-uz.html>

11. www.TAQI.uz

12. www.samDAQI.uz



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: “Ўзбекистон почтаси”,
“Ucell” бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254–92–01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz



**Гулқоғоз ишлаб чиқариш
бўйича амалий услубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.